

Мадридда Европанинг энг қадимги масжид қолдиқлари топилди



17:03 / 25.06.2019 2643

Испания пойтахти Мадридда қазишма ишларини олиб бораётган археологлар тарихий Висиготич шаҳри ҳозирги «Рекополис» қишлоғи ҳудудларида эканини аниқлаган. Тахминан, 1400 йилга тенг бўлган ушбу шаҳарнинг чегарлари ҳали-ҳамон ер остида қолиб кетгани қазишма ишларида маълум бўлди. Топилманинг энг муҳим жиҳати шундаки, шаҳар ҳудудида битта масжид ва сарой қолдиқлари аниқланган. Милодий 711 йилда ислом қўшинлари Испанияга кириб келиши билан Висиготич шаҳри ҳам мусулмонлар ихтиёрига ўтган.

Гарвард Университети профессори, археолог Майкл МакКормик топилмалар устида анча қазишмалар олиб бориш лозимлигини маълум қилди. Қолаверса, Европага Ислом дини кириб келганини тасдиқловчи

муҳим санъат асарини кўриш мумкин бўлади.

Islom.uz портали таҳририяти